Ушбу мақолада халқимиз, хусусан, ёшларнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда, шунингдек, маданият ва санъат соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси битмас-туганмас бойлик эканлигини муаллиф томонидан илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жамият, давлат, конституция, ёшлар, маданият, санъат, мақом, миллий мақом, миллий мерос, ижтимоий сиёсат, бағрикенглик, олийжаноблик.

В данной статье автор рассуждает о том, что Конституция Республики Узбекистан является неиссякаемым источником в подготовке высококвалифицированных кадров в области искусства, а также в возвышении мировоззрения, уровня духовности и эстетического воспитания молодежи.

Ключевые слова: общество, государство, конституция, молодежь, культура, искусство, мақом, национальный мақом, национальное наследие, социологическая политика, толерантность, великодушие.

Annotation

In this article author gives analysis of the fact that the Constitution of the Republic of Uzbekistan is a profound source of the development human resources, spiritual level and aesthetic education of our people, especially youth as well as the preparation of high qualified specialists in the field of culture and art.

Keywords: Society, state, Constitution, youth, culture, art, maqom, national maqom, national heritage, social policy, tolerance and nobility.

Биз давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётидаги шонли сана – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг йигирма олти йиллигини нишонламоқдамиз.

Бундан чорак аср олдин эълон қилинган ғоялар билан ҳаётини воқеликни қиёслаш учун етарли фурсат десак муболаға бўлмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Конституцияси ўзининг муҳим ҳужжат эканлигини тўлиқ намоён этган ҳолда яшамоқда, ўзининг прогрессив йўналиши билан фуқароларни эзгуликка чорлаб, илҳомлантириб келмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси дунё ҳамжамияти томонидан демократик

тамойилларни ва принципларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда Ўзбекистон умумбашарий қадриятларга тарафдор эканлигини мустаҳкамлаб берган сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжат сифатида эътироф этилганлиги барчамизга аён.

Конституцияда инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўллари ва воситалари ўз аксини топган. Унда қонун устуворлиги ва ҳокимият ваколатларининг бўлиниш принциплари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилиниб, 2021 йил 31 декабрь кунига қадар бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар ва ушбу вазифаларни бажариш бўйича масъулларнинг белгиланганлиги ҳуқуқий давлатнинг бир кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Стратегия – бу янгилашни жарёнларининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир.

Шунинг учун ҳам Конституцияда баён этилган принцип ва нормалар халқаро демократик жамият қуриш тамойилларига тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Конституцияси барча ислоҳотларимизнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, асосий Қонунимизда улкан ижодий яратувчанлик имкониятлари мужассамланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барчамизга нима берди?

Биринчидан, Конституция инсон ҳуқуқлари устуворлигини, уларнинг табиийлиги ва муқаддаслигини эътироф этди.

Тўлиқ инсоний ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган кишигина фуқаролик жамиятини шакллантириши мумкин. Конституциянинг барча қоидаларида ана шу нарса асос қилиб олинган.

Конституцияда қадриятлар тизими илк бор “шахс-жамият-давлат” шаклида белгиланган.

Бундай шахс эркин, онгли, мустақил бўлиб, фуқаролик жамиятининг таркибий қисмидир; фуқаролик жамияти уюшган халқ бўлиб, ҳокимиятнинг чинакам манбаи ва эгасидир; давлат эса суверен, демократик, ҳуқуқий бўлиб, шахс билан жамият манфаатлари ва ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.

Шундай қилиб, Конституция, устуворлик сўзсиз инсонга тегишли эканлигини, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари энг олий қадрият, ижтимоий тараққиётнинг мақсади ва асоси эканлигини белгилаб берди.

Иккинчидан, тинчлик, хотиржамлик ва миллатлараро тотувлик буюк неъмат ва ютуғимиз бўлиб, уларни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси Конституциямизда мустаҳкамланган.

Конституциямизда ҳар кимнинг яшаш, шахсий дахлсизлик, ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шунингдек, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш, тураржой дахлсизлиги, фикрлаш, сўз ва эътиқод

эркинлиги, виждон эркинлигига бўлган ажралмас ҳуқуқини мустаҳкамлаб берди.

Ш у ж о й д а м у ҳ т а - р а м П р е з и д е н т и м и з Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: “Бизнинг мақсадимиз инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат”, деган фикрлари ҳам бунинг амалдаги натижаси деб қарашимиз мумкин.

Бизнинг Конституциямиз фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканлигини кўзда тутади. Ҳар ким бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур эканлигини белгиллаган ҳолда урушни, ўзаро низоларни, ижтимоий миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишни тақиқлайди.

Б а р ч а м и з г а м а ъ л у м к и, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат намояндлари бир оила бўлиб, бир-бирини ҳурмат қилган ҳолда аҳил яшаб келмоқда.

Бугунги кунда бир қанча миллий маданий марказлар ва турли конфессияга мансуб қатор диний ташкилотлар фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон аҳолиси маданий ва миллатлараро шахсий алоқалар билан боғланган тарихий-этнография бирлик қарор топган жамият қатлами бўлиб, у Конституцияда – “Ўзбекистон халқи” деб аталади.

Мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарига кундалик турмушда ўзаро ҳурмат ва эҳтиром мустаҳкамланиб, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик қонун нормалари билан бирга ахлоқ категориялари орқали ҳаётда ўз аксини топмоқда.

Учинчидан, Конституция хусусий мулк ҳуқуқини конституциявий ҳуқуқ даражасига кўтариб, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шаклларида тенглигини ва уларнинг ҳар томонлама ҳуқуқий муҳофаза этилишини кафолатлаб берди.

Тўртинчидан, фуқаролик жамиятида кучли ижтимоий сиёсат масаласи алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат масаласи, яъни “Жамият бой бўлса, давлат бой бўлади” хусусан, инсоннинг меҳнат қилиши, дам олиши, кафолатли ижтимоий таъминотга эга бўлиши, малакали тиббий ёрдамдан бепул фойдаланиши каби асосий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун қулай шароит яратилди.

Асосий қонунимиз ёшлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимоя этилиши, оила муҳофазаси, етим болалар ва уларнинг тарбияси, оналик

ва болаликни муҳофаза этиш давлат ва жамият томонидан таъминланиши, фарзандларнинг ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиши сингари юксак ахлоқий қоидаларни мустаҳкамлаб берди.

Бунга шуни мисол қилиб келтиришимиз лозимки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” бандида кучли ижтимоий сиёсат кўрсатиш бўйича бир қанча вазифалар белгиланиб, мана икки йилдирким жойларда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Бешинчидан, Конституцияда ҳар кимнинг билим олиши, маданият ва санъат соҳаси ютуқларидан кенг фойдаланиши, илмий-техникавий ижод эркинлиги мустаҳкамланиб қўйилган.

Демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамияти инсонлардан чуқур билимга эга бўлишни тақозо этади.

Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган маданият ва санъат соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш, бой маданиятимиз ва миллий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон санъати дурдоналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, маданият ва санъат соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш

бўйича ҳам бир қанча амалий ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, республикамиздаги мавжуд болалар муסיқа ва санъат мактаблари Маданият вазирлигига ўтказилганлиги, республикамиздаги таниқли санъаткорларни ушбу мактабларга бириктириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам муסיқа санъати таълимида туб бурилишларни ясади, десак муболаға бўлмайди.

Ёшларни маданият ва санъат дунёсига кенг жалб этиш мақсадида республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам болалар муסיқа ва санъат мактабларини қуриш ишларини давом эттириш ва мавжудларини реконструкция қилиш орқали ёшларни қамраб олишга жиддий эътибор берилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини топган “Таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш масалалари” бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлиги эътироф этилган.

Хусусан, стратегияда кўзда тутилган, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи театр ва томоша масканларини, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳам алоҳида белгилаб берилган.

Бугунги кунга қадар тубдан таъмирланиб, замонавий талаблар асосида жиҳозланган марказларда кўплаб бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва тўғарақлар ташкил қилиниб,

мунтазам равишда фото ва амалий санъат кўрғазмалари, танловлар, халқ ижодиёти ва томоша санъати фестиваллари ўтказилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган Халқаро мақом санъати анжуманининг тантанали очилиш маросимида Президентимизнинг шахсан ўзлари иштирок этиб, барча анжуман иштирокчиларини мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган санъат байрами билан табриклаб, ушбу анжуманда дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашаётганлиги ҳамда уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машҳур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги барчамизга катта мамнуният бағишлаши билан бирга мусиқа санъати соҳасининг янада ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади деган фикрни билдириб, “Бу ноёб бойликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, ундан дунё аҳлини баҳраманд қилиш, келгуси насларга безавол етказиш турли қитъа ва мамлакатлар вакилларини бу гўзал масканда мужассам этган анжуманимизнинг асосий мақсадидир”, деб таъкидлаган эдилар. Миллий мақом санъатимизнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилишини нафақат ўзбек халқи, балки бошқа миллат вакиллари томонидан ҳам юқори баҳоланаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар хорижий оммавий ахборот

воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали гувоҳ бўлмоқдамиз.

Мусиқа санъатимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий мумтоз мақом санъатини эволюцион ривожланиш босқичларини даврлар кесимида илмий-ижодий таҳлил этган ҳолда ёшларимизга ўргатиш, ёшларни мусиқий эстетик эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки уларни маънавий-эстетик эҳтиёжлари билан бирга онг ва тафаккурини юксалтиришда асосий илмий манба сифатида хизмат қилиб беради.

Шу билан бирга, худудий манзилли дастурлар асосида янги маданият ва истироҳат боғлари ташкил этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда, замонавий аттракционлар билан жиҳозланмоқда. Шунингдек, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2018 йил 28 ноябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4038-сонли қарори 2019–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”;

2019–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқланганлиги ҳамда ушбу худудларимизда фаолият кўрсатаётган маданият ва аҳоли дам олиш марказлари негизида

маданият марказлари ташкил этилиб, уларнинг олдига аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш, ижодий жамоаларнинг миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунали дастурларини шакллантириш каби бир қанча вазифаларни белгилаб берилганлиги соҳа ривожига бўлган эътибор ҳисобланади.

Шунингдек, “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонининг таъсис этилганлиги, “Маданият ва санъат фидокори” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва 2019 йилнинг 1 июнига қадар “Маданият тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича вазифаларнинг белгиланганлиги соҳанинг ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлашиб бораётганлигидан далолат беради.

Олтинчидан, Ўзбекистонда очиқ, ошкора жамият барпо этилмоқда. Биз халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдормиз.

Ошкоралик, инсонпарварлик, қўшниларга хайрихоҳлик ва дўстона муносабат Ўзбекистон халқининг қон-қонига сингиб кетган.

Бугунги кунда Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотлар аъзосидир. Биз барча мамлакатлар билан дўстона, ўзаро фойдали алоқаларни кучайтирмоқдамиз. Йирик молия институтилари билан давлатларга тегишли

бўлмаган ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилмоқдамиз.

Халқаро ташкилотлар ва муҳофаза этувчи ташкилотлар билан Ўзбекистон дарвозалари ҳамиша очиқ. Демократия ва озодлик йўлини танлаганимиз ҳамда шу йўлдан дадил илгарилаб бориш истаги улар билан ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида истиқлол йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш ҳолати ва тенденциялари, уларнинг ўзгариш мавзуси доирасида “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларига эътибор бердиган бўлсак, жамиятда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик мамлакатимиз аҳолисига хос хусусият эканини кўрсатмоқда. Сўров иштирокчиларининг аксарияти (99,8 фоиз) ушбу фазилатлар Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги ва ютуғи, деб ҳисоблаганлар.

Шунингдек, респондентларнинг фикрича, давлатимизнинг миллий ва ижтимоий сиёсати, бағрикенглик, олийжаноблик, раҳмдиллик ва хайрихоҳлик каби халқимизга хос азалий хусусиятлар, оддий инсонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳалардаги

барқарор ривожланиш суръатлари жамиятимизда миллатлараро ва фуқаролараро бирдамликни таъминловчи асосий омиллар ҳисобланади деган фикрда эканлигини билдиришган.

Иштирокчиларнинг 80 фоизи жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик муносабатлари келажакда ҳам мустаҳкам сақланиб қолишига ишонади.

Таъкидлаш жоизки, респондентларнинг 90 фоиздан ортиғи аҳоли

билан фаол ва очиқ мулоқотнинг янги тизими жорий қилингани ҳамда Президентимизнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилганини жамиятимизда миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, тинчлик ва барқарорликни таъминловчи муҳим омиллардан, деб ҳисоблаганлар.

Мустақил давлатчилигимиз ривожда ҳамда мусиқа санъати ривожда Конституциямиз битмас-туганмас бойлиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2003.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 й., 29 ноябрь.



Шоҳида ГАФУРОВА,

*техника фанлари номзоди, ЎзДКнинг МОР ва информатика кафедраси мудири, доцент***ВОКАЛГА КОМПЬЮТЕРДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ****Аннотация**

Мақола студияда ёзилган вокал қўшиқларнинг компьютерда қайта ишланишининг асосий жиҳатларига бағишланган. Унда шовқин ва кераксиз артефактлардан тозалаш, эквализация, компрессиялаш, эффектлар ва тоналикни коррекциялаш каби вокалга ишлов бериш турлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: вокал, ишлов бериш, компьютер, плагин, шовқин, эквалайзер, компрессия, таъсир.

Статья посвящена основным аспектам компьютерной обработки вокальных треков, записанных в студии. В статье описываются такие типы обработки вокала, как очистка от шума и нежелательных артефактов, эквализация, компрессирование, эффекты и корректировка тональности.

Ключевые слова: вокал, обработка, компьютер, плагин, шум, эквалайзер, компрессия, эффект.

Annotation

The article analysis the main aspects of computer processing of vocal tracks recorded in the studio. The article describes types of vocal processing such as clearing of noise and irrelevant artifacts, equalization, compression, effects as well as correction of key tonality.

Keywords: vocals, processing, computer, plugin, noise, equalizer, compression, effect.

Вокалга ишлов бериш ёзувдан кейинги муқаррар босқичдир. Бу жуда қийин масала бўлиб, бу борада кўпгина адабиётлар мавжуд. Ҳар товуш инженери турли хил натижаларга ҳар хил техникаларни қўллаган ҳолда эришади. Аммо вокалга ишлов беришнинг умумий қоидалари ҳам мавжуд. Шу ҳақда баъзи бир мулоҳазаларни юритамиз.

Вокалга ишлов бериш турлари

Шартли равишда вокалга ишлов беришни қуйидаги категорияларга бўлиш мумкин:

- шовқин ва керак бўлмаган артефактлардан тозалаш;
- эквализация;
- овоз баландлигини текислаш ёки компрессиялаш;
- эффектларни қўллаш, шу билан бирга гармоник хатоларни коррективировка қилиш.

Энди бир бошдан қараб чиқамиз.

Шовқин ва керак бўлмаган артефактлардан тозалаш

А в в а л а м б о р , в о к а л н и коррективировка қилмаслик учун, уни максимал даражада тўғри ёзиб олиш зарур. Аммо бу фақат назария, амалда эса шовқинлар ва артефактлар одатий ҳолдир.

Шовқиндан тозалаш учун махсус дастурлар шовқинни босувчилар ёки денойзерлардан (DeNoiser) фойдаланилади. Мисол учун, Waves фирмасининг Waves X-Noise шовқин босувчиси.



Унинг ишлаш тамойили икки босқичдан иборат. Биринчиси – шовқинни сканерлаш. Бу иш қуйидагича бажарилади: сукунат бор қисм танланади, чунки унда зарур сигнал бўлмай, балки фақат ғала-ғовур бўлади. Learn тугмасини босиб, уни қайта тиклаймиз. Бу бир неча секунд давом этиши мумкин, энг кераги бу қисмда сукунат бўлсин. Сўнгра яна Learn тугмасини ёқиб, сканерлаш режимини ўчираемиз. Ғала-ғовуримиз шовқин босувчининг хотирасида сақланиб қолди. Энди иккинчи босқич – шовқинни босиш бошланади. Асосий судрагичлар бу – Reduction ва Thresholdлардир. Уларни

турли хил комбинацияларда ишлатиб, керакли натижага эришишга ҳаракат қиламиз. Муҳими Reductionга катта қийматларни бериш керак эмас, акс ҳолда юқори частоталар камайиб кетади.

“С” товушдан ва бошқа ҳарфлардан артефактларни олиб ташлашга деэссерлар (De-Essers) ёрдам беради. Унинг ёрқин намояндаси Waves DeEsserдир.



Унинг ишлаш жараёнига чуқур кириб бормаслик учун, тайёр пресетларни ишлатиб кўриш мумкин. Мисол учун, Male Ess эркаклар овозидан “с” дан кескин товушларни олиб ташласа, Female Shh эса аёллар овозидан шивилловчи товушларни олиб ташлайди. Сезгирлик Threshold орқали бошқарилади.

Эквализация

Бу босқич нафақат вокал партияларга, балки бошқа ҳолларга ҳам тегишли. Энг содда усул бу – ихтиёрий эквалайзерни танлаб, ўзимизга тўғри келадиганини унинг пресетларидан қидиришдир. Аммо вокални эквализация қилишнинг стандарт тамойиллари ҳам мавжуд.

Биринчидан, биз 60 Гц дан паст бўлган частоталарни кесиб ташлаймиз. Иккинчидан, вокал кескин бўлмаслиги учун уларни 1000 Гц атрофида пасайтирамиз. Яна бир муҳим хусусият – частоталарни 2 кГц даражасида бошқаришдир. Ўсиш ёки пасайиш бу ерда вокалистнинг овоз тембрига боғлиқдир. Каттароқ энергия бериш учун бу ерда қўшиш лозим. Натижада қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:



Умуман олганда турли тембрлар ва вокал турлари учун бошқа созланмалар ҳам тўғри келиши мумкин, аммо келтирилганлари қандайдир маънода универсалдир.

Компрессиялаш

Қўшиқда вокал учун унинг бошқа чолғулар орасида эшитилиши муҳим. Бунинг учун уни яхшилаб компрессиялаш зарур. Биринчидан, сезгирликни 20 дБга қўямиз. Иккинчидан, юмшатиш учун кичикроқ ҳужумни (0-0,1 мс) ва унчалик узун бўлмаган сўнишни (80-100 мс) уюштирамиз. Компрессия даража-


сини 4:1 га қўямиз. Унинг даражасини расмда келтирилганидек 10-15 дБга қўтарамиз.



Бу каби созланишлар вокалнинг асосий миксда йўқолиб қолмаслигига ёрдам беради.

Эффектлар ва тоналликни коррективровка қилиш

Умуман олганда, кўпгина эффектлар вокалнинг биринчи йўлчасида эмас, балки сайқал вақтида қўлланилади. Бу акс садо ёки реверберация каби эффектларга тегишли. Аммо бирламчи трекка бирор-бир эффектни қўллаш керак бўлиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Кўп ҳолларда бу тонал коррективровкадир.




Бундай коррективировка гармоник нуқсонларни йўқотиш учун зарурдир. Бунинг учун алоҳида Antares Autotune типидаги махсус дастурлар мавжуд. Waves пакетида ҳам ўхшаш эффект мавжуд. У Waves Ultrapitch деб номланади.

Албатта, тузатилган вокал ижрочи қўшиқни тўғри куйлаганичалик табиий жарангламайди. Аммо баъзида бундай эффектнинг қўлланилиши зарур бўлиб қолади. Бу плагиннинг пресетлари қандай янграшини тинглаб кўришни маслаҳат берамиз. Мисол учун, Major cluster пресетини танлаб,

у ёзиб олинган вокални қачон коррективировка қилишини тинглаб кўриш мумкин. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, Waves плагинлари мисол учун танлаб олинди. Бошқа эффектлар пакетлари ва дастурларида ҳар доим ўхшашларини танлаб олиш мумкин.

Ўйлаймизки, ушбу қисқача амалий маслаҳатлар нафақат овоз режиссёрлари учун, балки ижрочилар учун ҳам студияда ишлаш жараёнида кўмакдош бўлади.



*Munawara ABDULLAYEVA,
senior teacher of the Department "Uzbek and Foreign
Languages" of the State Conservatory of Uzbekistan*

INNOVATIVE EDUCATIONAL TECHNOLOGIES AND ENGLISH LANGUAGE TEACHER'S ROLE IN ART INSTITUTES

Annotation

The article discusses the up-to-date pedagogical practices, as well as the latest achievements of the pedagogical process that English teachers of non-linguistic universities of arts to use in educational process.

Keywords: educational technologies, pedagogical practices, personal interest.

Аннотация

Мақолада санъат ОТМларида инглиз тилидан дарс берувчи ўқитувчилар учун зарур бўлган энг янги педагогик амалиётлар, жумладан педагогик жараёнларнинг энг сўнгги ютуқлари ҳақида мулоҳазалар юритилади.

Калит сўзлар: таълим технологиялари, педагогик амалиётлар, шахсий қизиқиш.

В статье рассматриваются новейшие педагогические практики, а также последние достижения педагогического процесса необходимые преподавателям английского языка преподающим в неязыковых ВУЗах искусств.

Ключевые слова: образовательные технологии, педагогические практики, личный интерес.

Introduction of innovative educational technologies in the higher educational institutions in Uzbekistan is occurring at such a rapid pace that a teacher, in order to keep pace with the rapidly changing world, needs to improve all aspects of his/her personality.

Nowadays it is not enough that a teacher masters his/her subject and has a good command in English. It is absolutely necessary that a teacher keeps up with his/her being informed of all the latest teaching practices, as well as the most up-to-date achievements of the pedagogical process.

Being an expert of grammar theory, a teacher should by all means know how

and where to apply this knowledge. He/she must also be a good psychologist in order to be able to find or stimulate interest in the subject among the students.

Today's youth has access to a fairly wide array of information through internet. That opens an enormous opportunity for self-study, by searching the internet for the essential material, depending on the individual abilities and interests of the student. Consequently, students come to the lesson comparatively well-versed about many available sorts of innovative teaching techniques, countless programs posted on the Internet, they as well may have different questions that the teacher must be prepared to answer in order to

satisfy and maintain the attention and motivation of students.

On the other hand, the teacher himself/herself will have to master a wider field of aggregate information in order to navigate liberally in the innovative developments of science. Thus, a foreign language teacher should constantly improve the level of knowledge in foreign language, master regional geographic and socio-cultural information, as well as to be able to apply new developments and technologies. At the same time, he/she should not position himself as an only expert, whose word or opinion not to be questioned. Rather, a teacher, if he/she strives to achieve the planned results, should be more an adviser, a consultant and an assistant to his/her students. He should not just be the leader of the learning process, but be within the community of students who are to feel themselves as a team of individuals, capable of setting tasks and solving them independently.

The time when a teacher explained the grammar theory, and then asked to repeat and memorize the subject topic, has gone. The matter is how can equal student-teacher partnerships be achieved? After all, teachers of non-philological universities face such problems as: a large number of students in a class, insufficient number of hours allocated for foreign languages, students often come in different ages and with diverse levels of education. All this has a negative impact and greatly reduces the effectiveness of the work of both the teacher and the learning of the subject

by students.. Often, students themselves have low motivation to learn a foreign language, since they are more interested in the subjects they specializing in.

Thus, the teacher is faced with an important task, which he/she is the first to solve, before embarking on classes, for example: how to form a positive students' motivation. If the teacher is able to cope with this task in time, then this will give further results and the motivation of the students will grow into the need to master the knowledge with a view of their further use.

Here is another question arises, both for the teacher and for the students. After all, the basic need for learning a foreign language is communication.

In other words, students must find a field of application of acquired knowledge, otherwise, the material learnt will be quickly forgotten and, as a result, motivation decreased. In order to help students apply their knowledge, the teacher must orient students to use the Internet, where latter can find films, songs, news sites in a foreign language, and help them find friends for e-mail correspondence. Thus, a different level of student's education can play a positive role. If the subject of electronic correspondence is touched upon, the lesson is enliven, everyone would try to share his/her personal experience, games are invented on the go, in which both lagging and advanced students take part with pleasure. Here an important role is played by the psychological basis conducive to the interaction of students.

Инеcса ГУЛЬЗАРОВА,

доцент Государственной консерватории Узбекистана

ТАЛАНТ ПОКОРЯТЬ СЕРДЦА (ПАМЯТИ В.З. ПЛУНГЯН)

Аннотация

Вера Зиновьевна Плунгян – кандидат искусствоведения, музыковед и музыкальный критик, профессор, создатель школы музыкальной журналистики в Узбекистане – она внесла значительный вклад в историю музыкальной культуры нашей республики.

Ключевые слова: музыковед, исполнительское музыкознание, музыкальная журналистика, музыкальная критика, профессионализм, ученик, композитор.

Вера Зиновьевна Плунгян – санъатшунослик фанлар номзоди, музикий танқидчи ва муסיқашунос, профессор, Ўзбекистонда музикий журналистика йўналишида ўз мактабини яратган устоз. В.З.Плунгян республикамизнинг муסיқа маданиятига салмоқли ҳисса қўшган мутахассислардан биридир.

Калит сўзлар: муסיқашунос, ижрочилик муסיқа таълими, музикий журналистика, музикий танқид, профессионалик, шоғирд, композитор.

Annotation

Vera Zinovevna Plungyan – doctor of art history, musicologist, music criticism, professor, creator own of music journalism in Uzbekistan. She made a significant contribution to the history of musical culture of our Republic

Keywords: musicologist, performance musicology, music journalism, music criticism, professional, pupil, composer.

Тод назад, 18 ноябр, ушла из жизни известный музыковед, профессор кафедры истории музыки и критики Государственной консерватории Узбекистана Вера Зиновьевна Плунгян. Это невосполнимая утрата для всех тех, кто знал эту неугасимой энергии и силы духа женщину, которую справедливо называли "эпохой", "живой легендой", "Эверестом" нашей музыкальной культуры. С именем

Плунгян связано начало исполнительского музыкознания и создания музыкальной журналистики в республике. И не только. Всю свою жизнь она безраздельно служила прекрасному искусству – Музыке. А высокое словосочетание "служить музыке" для Веры Зиновьевны неразрывно значило: "Служить Узбекистану". Будучи музыковедом-историком по специальности и по призванию, она отличалась любовью к своему



делу, высоким профессионализмом, всегда находясь в гуще событий музыкальной жизни нашей республики. А ее личностные человеческие качества – энергичность, отзывчивость, справедливость, трудолюбие, оптимизм – снискали ей авторитет среди коллег и учеников, в жизни которых Плунгян, подобно комете, оставила яркий след.

На протяжении долгих лет творческой жизни Вера Зиновьевна писала книги: монографии, очерки, эссе, мемуары, учебные пособия, а также научные и методические труды, аннотации, рецензии на докторские и кандидатские диссертации, статьи. Причем делала она это с таким пониманием, с таким тонким знанием специфики того или иного жанра, с такой щедрой изобретательностью и неповторимой лексикой, что книга от книги становилась все более и более притягательной. А каждый читатель, будь то профессионал или любитель музыки, находил в ее музыковедческих опусах немало полезного и интересного для себя, отмечая неповторимое художественное содержание, стиль и изысканность автора. Не случайно имя Плунгян

упоминается в энциклопедических изданиях Ташкента, Москвы и Оксфорда.

Всю свою жизнь Плунгян посвятила и исследованию творчества выдающегося узбекского композитора второй половины XX века Сулейману Юдакову, создав около 50 научных трудов, начиная с диссертации и, заканчивая четвертой книгой о нем. Она очень дорожила как этим наследием, так и его высказыванием в ее адрес, как биографа, которого он называл "автором Сулейманистики, Юдакологии, Майсараведения". Созданная ею тетралогия, посвященная жизни и творчеству одного композитора в нашем регионе – это прецедент в истории музыковедения Узбекистана, как и создание этих четырех книг: монографический очерк "Вехи творческого пути", монография "Исследование выдающегося произведения "Проделки Майсары", посвященная одному произведению, сборник "Сулейман Юдаков в воспоминаниях современников" и книга-альбом "Сулейман Юдаков. Музыка на все времена". Все эти опусы биографа о С.Юдакове – не только дань его памяти, но и прикосновение к истории страны, в которую навечно вписано имя классика узбекской музыки.

Но все-таки бóльшая часть деятельности Веры Зиновьевны Плунгян была посвящена педагогике. Она была учителем по призванию способным обратить учеников в свою "веру", обладая даром "воспламенять" и "зажигать" их. Она была "гидом"

своих "питомцев" в поисках профессионализма, щедро делилась опытом, корректно помогая каждому формировать свою "модель" специалиста. Ее занятия студенты очень любили: речь педагога была эмоциональной и исключительно образной – с калейдоскопом ассоциаций, параллелей и живых примеров. Не случайно профессионалы называли ее "жрицей художественного слова". За многие годы работы в консерватории она воспитала целую плеяду талантливых учеников различного профиля, создав "школу" из двух классов – музыкальной критики и музыковедения, которую впоследствии назвали "школой Плунгян", а журналист Татьяна Кулеvas, написавшая еще в 1995 году статью "Плунгянчики" в газета "Правда Востока", подчеркнула, что "плунгянчиков стало множество".

Заметим, Вера Зиновьевна воспитывала не просто музыкантов, а деятелей музыкальной культуры, широко мыслящих профессионалов. Это было ее педагогическим кредо. Ей импонировало высказывание Роберта Шумана: "Истинный мастер



Судейман Юдаков и Вера Плунгян

взращивает не учеников, а новых мастеров", с которым она была солидарна. Добрый наставник и мудрый педагог Плунгян любила свою работу, и своих учеников. Это был ее кислород, которым она дышала. Это было ее жизнью.

Особо хочется отметить яркий след, оставленный Верой Зиновьевной в специализации музыкальной критики, которая была для нее целой "цивилизацией" с ее добрыми "законами" и "порядками". Основными "заповедями" в своей совместной с учениками деятельности у нее являлась свобода творчества, художественное видение событий в музыкальном мире, самостоятельный выбор темы, отсутствие формальных аудиторно-привязанных занятий и многое другое. У нее были и "секреты" своей "художественной мастерской". Так за время практики через редакторское "перо" Плунгян прошло огромное количество студенческих материалов, которые она оценивала по своим сложившимся критериям, ценными качествами которых считала "свое" художественное видение, "артистизм" мышления, чувство жанра, сценарно-драматургическую выстроенность. Процесс редактирования, в котором она была подобно скульптору, доставлял ей огромное удовлетворение. По ее признанию, она любила слушать "мелодию" текста, шутливо называя весь процесс редактирования "чисткой перышек". А ученикам очень часто говорила: "Чтобы написать даже весьма небольшую статью, нужно прочитать очень много всякой литературы". Она

вообще была нетипичным педагогом, на уроках более всего любила студенческие вопросы, специально оставляла на это время в конце лекции и страшно разочаровывалась, если таковых не возникало. Ей доставляло огромное удовольствие отвечать на вопросы, особенно если студент проявлял выдумку и инициативу.

Ее ученики, которых кто-то из коллег назвал "Могучей кучкой", публиковали материалы на страницах республиканской прессы, в ближнем и дальнем зарубежье, активно участвовали в заседаниях "круглого стола", в межвузовских конференциях по проблемам музыкальной критики, в различных общественных мероприятиях, будь то "Совет по музыкальной критике" или пресс-центры.

Впрочем, приведу слова одной из ее учениц Барно Икрамовой: "Творческий потенциал плунгянской "Могучей кучки" всегда был настолько крут, что топ-листы почти всех конкурсов по музыкальной критике и журналистике занимали фамилии учеников "В.З.". Могу заявить с полной ответственностью, что музыкальная журналистика в Узбекистане – это в огромной степени креатура Веры Зиновьевны Плунгян".

Сегодня многие из ее "официальных" и "неофициальных" учеников сходятся в искренних словах благодарности судьбе, пославшей им Веру Зиновьевну, которая научила их сложной премудрости музыковедческого таинства, вложив в их души огонь самоотдачи, чтобы делать нашу сложную профессиональную

работу. Она была для них как "Солнце, согревающее их души, как Солнце, озаряющее светом их путь по жизни, как Солнце, открывающее им эту прекрасную жизнь!". Сегодня "опусы" Плунгян, как любя называла она своих учеников, рассеяны по всему миру, и, образуя обширную "диаспору", они успешно выполняют журналистский долг. До последнего вздоха она жила их жизнью, искренне радуясь их успехам.

И еще. Каких бы сторон работы музыкального журналиста или музыкального критика не касалась Вера Зиновьевна, она всегда особое место отводила профессиональной этике. О взаимоотношениях в редакции, о нормах работы с собственным материалом, об умении слушать и правильно воспринимать критику в свой адрес. Неоднократно говорила она, как необходимы тактичность и доказательства в критических замечаниях, если таковые имеют место, при этом они должны быть лишены высокомерия.

А еще она с гордостью отмечала, что кафедра истории музыки ташкентской консерватории, осуществляя практику с будущими критиками, занимается общественно важной деятельностью, воспитывая широкопрофильных музыкантов. "Молодые критики, – говорила Плунгян, – освещая события в музыкальном мире, выполняют не только функции летописцев, но и, что очень важно, дают оценку явлениям в музыкально-общественной жизни. На этом поприще их ориентируют мои коллеги

по кафедре. Главный критерий в нашей работе – это профессионализм".

Она мечтала увидеть свою восемнадцатую книгу "Художественный стиль классика в зеркале музыковедения", рукопись которой была готова и рекомендована к изданию. Увы, не успела, как и не успела завершить ряд своих проектов, будучи смертельно больной. Однако ее имя, ее образ, ее мощнейшая Харизма навсегда останутся в нашей памяти, в истории

нашей кафедры, консерватории, в музыкальной культуре Узбекистана. Вера Зиновьевна Плунгян прожила свою жизнь – с достоинством и честью, став в каком-то смысле воплощением знаменитых строк Роберта Рождественского:

*Мир стареет в былых надеждах.
Но сегодня, как и вчера,
На плечах эту землю держат
И несут на себе МАСТЕРА.*